

43 (989)-сон

20 — 26 октябрь 2010 йил

Web-site: oilavajamiyat.uz



2

**ОБОДЛИК
КЎНГИЛДАН
БОШЛАНАДИ**



3

**КЕЛИН
ОЛГАНГА МАЗА,
ҚИЗ БЕРГАНГА-ЧИ?**



**БАФРИКЕНГЛИК
АЪМОЛИ УНИНГ**

8



**ДУЧ КЕЛГАННИ
ЕМОҚ...**

БАРКАМОЛ АВЛОД — МАМЛАКАТ КЕЛАЖАГИ



*Илм бир чироқдурким, сени роҳат ва фароғатга
ҳеч бир заҳматсиз етказади.*

Абу Лайс Ас-САМАРҚАНДИЙ

Собир НАРЗИЕВ сурат-лавҳаси.

ОНА ТИЛИМ

*... Сен бўлмасанг, нима бизга
силлиқ шеърлар,
Бу дунёда тили йўқда дил
йўқ дерлар,
Баҳоинг-ку бериб кетган
Алишерлар,
Юрагимнинг тўридаги
сўлмас гулим,
Она тилим, эй муқаддас
она тилим.*

*Бир қарасам, ҳар шевангда
минг жиллолар
Ҳар новдангда, ҳар мевангда
минг жиллолар.
Қодирийлар, Чўлпонлару
Абдуллолар,
Сенинг қайтган кунинг мен
туғилган йилим,
Она тилим, эй муқаддас
Она тилим.*

Муҳаммад ЮСУФ,
Ўзбекистон халқ шоири.

— 2 —

“ОБУНА — 2011”

*“Оила ва жамият”ни ўз
оиласининг яна бир ҳақиқий
аъзоси сифатида қадрлаб, биз
билан ҳамфикр, дардкаш
бўлиб келаётган муҳтарам
муштарийлар!*

*Шу йилнинг 1 сентябрдан
келгуси йил учун ОБУНА
бошланганини эшитдингизми?*

ИНДЕКС: Якка обуначиларга — 176,
Ташкилотларга — 177



Пардахол ЭРҚУЛОВА,
полковник:

— Терговчи ҳар бир жиноятни таҳлил қилишда адолатни устувор билиб, ҳолислик нуқтаи назаридан ёндашиши керак. Ана шундагина ҳар қандай жиноятнинг очилиши тез, сифатли ва самарали бўлади. Қаршингда ўтирган гумонланувчими ёки айбланувчими, ким бўлишидан қатъи назар, унинг ҳуқуқ ва эркинликларига даҳл қилмаган ҳолда иш юритиш доимо терговчининг диққат марказида бўлиши шарт.

— 3 —



ТОПГАНИ КЎП, ЙЎҚОТГАНИ ЙЎҚ

Мустақиллик шарофати билан ҳаётимизнинг, ҳеч бир истисносиз, барча соҳаларида улкан ўзгаришлар, янгиликлар юз берди. Жумладан, бу йилларда ўзбек тили ҳам, тилшунослиги ҳам жиддий тараққиёт йўлига тушиб олди. Маълумки, тилнинг лугат бойлиги жамиятдаги ўзгаришларнинг ўзига хос кўзгуси ҳисобланади. Халқимизнинг кўп асрлик орзуси бўлмиш истиқлол жамиятининг негизини янгилади, янгидан-янги тушунчаларни яратди, унут бўлган қадриятларни тиклади, халқнинг руҳи ва тафаккурини тирилтирди. Шу боис тилимизнинг лугат бойлиги янада ёрқинлашди, ҳар жиҳатдан рангинлашди.

Афсуски, мустақилликкача бўлган даврда она тилимизнинг ички қонуниятларини ўрганишда бошқа тиллар хусусиятлари тадқиқига бағишланган ишларга тақлид қилинган ҳолатлар анча-мунча бўлган. Бир тилдаги муайян қонда ёки қонуниятни бошқасига тўғридан-тўғри татиқ қилиш йўли билан мавжуд тилининг мулақо ўзига хос табиатини очиб бўлмаслигини исботлаш учун кўп ҳам катта илм керак эмас. Ҳар бир тилининг ўз мантиғи ва руҳи бор, бу эса тиллар тадқиқидаги ҳар қандай тақ-

лидчиликнинг самарасиз эканини тасдиқлайди. Дунёнинг манаман деган тилшунослари, масалан, олмон алломаси Вильгельм фон Гумбольдт ер озидаги тиллар хилма-хиллиги ва бир-

бошқачароқ бўларди, деган фикрни айтган. Демаки, тафаккур тарзи ҳам тилга бевосита боғлиқ. Шу боис тилшунослик илмидаги тақлидчилик нафақати фойдали эмас, балки зарарли-

ўзбек тилшунослигида жиддий тадқиқотлар натижасида бугун рус ва бошқа тилшуносликлардагидан фарқли ўлароқ янги синтактик назария юзага келди. Унга кўра, ўзбек тилида гапнинг грамматик-мантқикий асосини рус тилидагидай эга ва кесим эмас, балки фақат кесим ташкил этади. Бу назария тегишли тарзда таълим тизимлари дастурларидан ҳам ўрин олди. Ўзбек тилининг янги назарий грамматикаси, систем тилшунослик, прагматингвистика каби йўналишларда қатор жиддий тадқиқотлар яратилди.

Ўзбек тилшунослиги бугун мустақил ва мунтазам тараққиёт йўлидан бормоқда. Унинг олдида турган муаммолар кўп, албатта. Айниқса, ўзбек тилининг мустақиллик давридаги ривожланиш жараёнларини, унинг барча саҳифаларидаги тараққиёт та-

моийларини жиддий тадқиқ этиш бениҳоя долзарб вазифалардандир. Тил ва адабиёт институти олимлари ҳозир "Ўзбек тили лексикаси ва терминологиясининг ривожланиш тамойиллари" мавзусидаги катта лойиҳа устида иш олиб бормоқдалар.

Бугун ифтихор билан айтишимиз лозимки, ўзбек тили давлат тили мақомини олгач, ўтган йилга бир йиллик муддатда бирор бир нарсасини йўқотмади, балки неча ўн йиллар давомида йўқотганларининг барчасини топди. Ўзбек тили, энг аввало, қисиниб-қимтиниб яшамайдиган бўлди, у бутун ҳаётимизнинг барча соҳаларида, расмий-норасмий ҳолатларда эркин қўланилиб, юртимиз фуқароларининг, миллатидан қатъи назар, барчаси учун Ватандай суякли ва эҳтиромли тилга айланди. Бу унинг жадал ривожини учун барча эшикларини очиб берди.

Низомиддин МАХМУДОВ,
филология фанлари
доктори, профессор

«Индустриясиз, мусикасиз, давлатсиз маданиятлар (ва миллатлар) мавжуд, аммо тилсиз маданиятлар йўқ».

Пётр Бицилли

бирдан фарқлиги фақат товушларнинг эмас, балки тил эгаларининг оламни қандай кўришидаги хилма-хиллик ва фарқлиқдан иборатлигини қайта-қайта таъкидлайди. Америка тилшуноси Бенжамин Уорф эса "Агар Ньютон инглиз тилида ўйлаб, инглиз тилида тафаккур қилмаганида эди, у яратган маъшур қонун бироз бўлса-да,

дир, бу борадаги тақлидчилик этикнинг қолипи билан туфли тиккандай бир нодуруст юмшадир.

Бугун, шукрларким, тақлидчилик, "қуллуқчилик" каби қусурлардан қутулдик. Ўзбек тилининг табиати, қонуниятлари, ўзига хос хусусиятлари бевосита шу тилнинг ўзидан келиб чиқиб ўрганилмоқда. Масалан,

ОБОДЛИК КЎНГИЛДАН БОШЛАНАДИ

ХАШАР — ЭЛГА ЯРАШАР

Маҳалла оқсоқоли одамларни йиғиб: "Эртага хашар, уйларимиз атрофи, болалар майдончаларини тозалаш, гуллар экишимиз, дарахтларни оқлашимиз керак. Бир-икки соат вақтларингни аямай, чиқинлар", деди. Кимдир бу ишни хайрли эканини айтиб, оқсоқолини қўлаб-қувватлади. Баъзилар эса вақти йўқлигини баҳона қилиб, иштирок этишдан бош тортиди. Сайёра опа эса оқсоқол билан ҳатто бироз гижиллашиб ҳам олди.

— Ўзи, шундоғам уйимда ишим бошимдан ошиб ётибди. Ана уй-жой мулкдорлари ширкатига пул тўлаямиз-ку, кўча супурувчилар бор, ўшалар қилсин, — деди жаҳл билан.

— Шаҳримиздаги барча маҳаллаларда ободонлаштириш ишлари олиб бориляпти. Бунга биз ҳам ўз ҳиссамизни қўшишимиз зарур. Бу ҳар кимнинг виждонига боғлиқ...

Эрталаб кўпчилик супурги, челақ, ҳокандозларини кўтариб, ҳовлига тушди. Бир зумда кўнгилилар сафи кенгайиб қолди. Аёллар кўпқаватли уйлар атрофи ва болалар майдончаларини чиннидек қилиб супуришди. Эраклар дарахтларга ишлов беришди, кераксиз шохларини кесишиб, танасини оқлашди. Хашар нари борса икки соатгина давом этди. Юмушларни тугатиб, уйга кираётганда ҳамма-нинг уст-боши, оёқ-қўли яшигина чанга ботган бўлса-да, кўнгиллар алланечук ёруғ эди. Кеча катнашмайман деб жигибйоран бўлаётган Сайёра опа чиннидек ятиллаётган кўчаларга қараб: — Яшиям хашарга чиқанман, бўлмас қизим олдида уялиб қоларканман, — дейди қулиб.

— Нега ундай? — қизикиб сўрашди қўшилари.

— Эрталабданқизим "Бугун мактабимизда хашар, тезроқ боришим керак", деб ҳаммамизни безовта қилди. "Ҳадеб мактабга чопавермай менга қараш, банка ёпамиз", десам: "Ойи, ҳамма ўртоқларим боради. Мактаб ҳовлисини тозалаш, дарахт ва гулларга сув қуямиз. Бунинг нимаси ёмон? Ундан кўра сиз ҳам хашарга чиқин", деса бўладими? Тавба, болалар катта бўлганидан кейин улардан танбех ҳам эшитиб ту-

раркансиз...

Хашарнинг эртаси куни Сайёра опа кўча томонга қараган ойнасини ланг очиб, баланд овозда болаларни койирди:

— Писта пўчоқларини ерга ташламанглар. Қани, дарров териб олинглар-чи!...

Дарвоқе, бугун қайси бир маҳалладан ўтмайлик, чиннидек топ-тоза ҳовлилар, атрофига гуллар экилиб обод қилинган биноларга кўзимиз тушади. Бундай кўркни кўриб, кўнглимиз тоғдек кўтарилади, қалбимиз равшан тортади.



— "Ободонлаштириш ва тозалик ойлиги"га ўзини-ўзи бошқариш органлари, хусусий уй-жой мулкдорлари ширкатлари, шунингдек, мулкчилик шаклидан қатъи назар, барча корхона, ташкилот, савдо ва умумий овқатланиш мажмуалари, таълим муассасалари жалб қилинди, — дейди Тошкент шаҳар ободонлаштириш бош бошқармасининг бошқарувчи ўринбосари Саидмурат Аглаев. — Шаҳарнинг катта-кичик кўчалари, мавзе ва маҳаллалари, кўп қаватли уйлар, гузарлар, хиёбонлар, зиёратгоҳ ва қабристонларни ободонлаштириш, кўкаламзорлаштириш ишлари кенг миқёсда олиб борилади. Манзарали дарахт кўчатларини экиш, кўча ва йўлакларни текислаб, асфальт ётқизиш, қурилиш ва маиший чиқиндиларни ташкилий равишда тўплаш

ҳамда ташиб кетиш йўлга қўйилган.

Биз Сергели туманидаги Халқобод маҳалласида ҳам, аҳолини қизгин иш устида учратдик.

— Биз дам олиш кунларини кутиб ўтирмаймиз. Ҳар куни эрталаб оила аъзоларимизни ишга-ўқишга жўнатиб, уйларимиз атрофини тозалашга чиқамиз. Бу биз учун одатий ҳолга айланиб қолди, — дейди 51-«А» уйда яшовчи Дилфуза Мустафоева.

— Маҳалламиз қанча озода бўлса, ўзимизга шунча яхши. Турмушга узатиладиган қизларимиз кўп. Совчилар келса уялмай, кутиб олаверамиз, — сукбатга қўшилади Рамиза опа Наврўзова. — Илгари анави ўриндиқлар атрофида ўтириб бўлмасди. Ҳамма жой чиқиндилар билан тўлиб ётарди. Зерикканимда уйдан кўчага чиқсам, кўнглим баттар бехузур бўлиб қайтардим. Ҳозир бунинг акси. Уй бекалари болаларининг ерга ахлат ташлашига жим қараб туришмайди.

— Маҳалламиз асосан кўп қаватли уйлардан иборат. Туман ҳокимлиги ва "Камолот"чилар ташаббуси билан мактаб ўқувчиларидан "Яшил патруль" гуруҳи тузилган, улар худудимизни тоза-озода сақлашга ёрдам беради, — дейди маҳалла оқсоқоли Гулшода опа Суярова. — Яқинда замонавий услубда қурилган "Бахт куши" номли майдонча болалар ихтиёрига топширилди. У ерга ҳам алоҳида фаррош ва қорювул бириктирилган. Кўп миллатли аҳолимиз навбатма-навбат чиқиб йўлакларни, кўчаларни супуришади. Бу ишларни амалга оширишда бизга кўмаклашган кўча бошилар ва фаол аёлларни вақти-вақти билан рағбатлантириб тура-миз.

Ҳа, кексаларимиз "Обод қилган — обод бўлади", дея бежиз айтишмаган. Юртимизни обод қилсак, кўркам бинолар, гуллаб-яшнаган боғ-роғлар барпо этсак, ўз қилган ишларимиз мевасини кўриб, дилимиз равшан тортади, қалбимизда фахр-ифтихор туйғуларини жўш уради. Чунки ободлик, аввало, кўнгилдан бошланади.

Нигора РАҲМОНОВА,
"Оила ва жамият" муҳбири.

ЁШЛАРГА ЭЪТИБОР

Маълумки, ҳам руҳан, ҳам жисман баркамол авлодни воёга етказишда энг аввало ҳар бир оилада соғлом турмуш тарзини шакллантириш, ёшлар ўртасида зарарли иллатлар тарқалиб кетишининг олдини олиш лозим. Пойтахтимизнинг Мирзо Улугбек туманида «Биз соғлом турмуш тарзини танладик» деб номланган мавзуда ўтказилган тадбир айнан ана шундай долзарб масалаларга бағишланди. Туман худудидаги эллиқдан ортиқ маҳалла фаоллари, ФХДЁ бўлими, «Маҳалла» хайрия жамғармаси, тиббиёт бирлашмаси ва бошқа муассасалар вакиллари бугунги кунда ёшлар орасида олиб борилаётган амалий ишлар хусусида сўзлаб беришди.

— Эртанги кунимиз эгалари бўлган фарзандларимиз бевосита Президентимиз раҳнамолигида ўзларига кўрсатилаётган ғамхўрлик ва улкан имкониятлардан унумли фойдаланиб, чуқур билим олиб, иқтидорларига яраша касб-хунар ўрганишлари ва катта ҳаётга ҳозирданқ жиддий тайёргарлик кўришлари зарур, — дейди Тошкент шаҳар Мирзо Улугбек туман ҳокими ўринбосари, хотин-қизлар кўмитаси раиси Шаҳло Исамуҳаммедова. — Бунинг учун эса оила, маҳалла, қолаверса, ўқув юртларида соғлом муҳитни шакллантиришга алоҳида эътибор қаратиш керак.

Тадбирда, шунингдек, аҳоли ўртасида китобхонлик маданиятини кучайтириш, қизларни бичиш-тиқиш, зардўзлик, каштачилик, пазандалик каби фойдали меҳнат турларига жалб этиш, ёшларни айрим хавфли ҳасталиклардан ҳимоя қилиш хусусида ҳам турли фикр-мулоҳазалар билдирилди.

Ширмоной АСРОНОВА

Бу дунёда ҳаммамизнинг ўзимизга яраша орзу-хавасимиз, мақсад-манфаатимиз бор. Айниқса, бизнинг халқ ўзининг болажонлиги, фарзандларига ўзгача меҳр-оқибат кўрсатиши билан алоҳида ажралиб туради. Шу жумладан, ўйил-қизлари балоғатга етиб қолган, ота-оналарнинг ташвиши янада кўпаяди ва бир тараф келин излашга тушса, иккинчиси эса куёв танлашга киришади. Хуллас, ким бўлмасин, обрўли, тагли-тугли, ўзига муносиб инсонлар билан кудачилик ришталарини боғлаши келади. Буларнинг ҳаммаси хайрли ишлар, лекин... "Йигитнинг ори бўлсин" деб номланган мақолада "Оила" илмий-амалий маркази директори Васила Каримова куйиниб тилга олганидек, баъзан шундай кўнгилсиз ҳолатлар ҳам рўй бераптики, булар ҳақида ҳар қанча бонг урсак, ёзсак шунча камлиб қилади.

Куйида эса биз бошқалар учун сабоқ бўлгулик айрим ҳаётий мисолларни газетонлар эътиборига ҳавола этмоқчи лозим деб топдик.

Кумринисо опа, Тошкент шаҳри:

— Ростини айтмай, қизимизни сўраб келган совчиларга аввалбошданок шарт қўйдик: эл қатори, одмигина, ортиқча сарф-харажатларсиз тўй қиламиз десангиз майли, розимиз. Куёвнинг ота-онаси ҳам бизнинг бу жўяли тақлифимизни эшитиб, жуда хурсанд бўлишди ва тўйни чиройли, дабдабасиз ўтказдик. Қариндош-уруғлар ҳам "Кудаларингиз жуда яхши, тушунган одамлар экан" деб роса мактаб кетишди.

Шу сабабди, биринчи ҳайитда биз ўзаро келишиб олганимиздек, қолаверса, қизимнинг ой-куни яқинлигини ҳисобга олиб, унинг ўзини ҳам, уйдигагиларини ҳам уринтириб қўймаслик учун енгилгина — ширинликлар ва совға-саломлар билан кудамизниқига йўқлаб бордик. Куёвнинг дадаси суюниб, бошқаларга намуна бўладиган тўй ўтказгани учун маҳалла фаолларидан раҳмат эшитганини айтди. Шу кунни яхши кайфиятда уйга қай-

КЕЛИН ОЛГАНГА МАЗА, ҚИЗ БЕРГАНГА-ЧИ?

"Йигитнинг ори бўлсин" — 42 -сон

тиб келдигу, аммо негадир аёл кудамизнинг ранги «очилмай» ўтирганидан кўнглим хижил тортди. Эртасига эса касалхонага тушиб қолган қизим йиғлаб кўнгирак қилди: "Ойижон, қайнонам сизларни кузатгани заҳоти менга бақириб кетди. "Нега ота-онангиз эл қатори ҳайитлик олиб келмади, бизлар кўни-қўшиллар олдида шарманда бўлдик-ку. Буни-

онаси бир мартаям сўроқламабди...

Аҳмаджон РАСУЛОВ, Тўйтепа шаҳри:

— Қўшнимизниқиди "қовурдоқ" деган тadbир ўтказилди. Ёрдам бериш мақсадида чиқиб, бундай дабдабали маросимни авваллари кўрмаганим учунми, жуда хайрон қолдим. Ота бўлган куёв йигит каттакон кутини ўртага олиб чиқди. Аммаси жойланган кийим-кечаклар, яъни "чақалоқнинг сарпо"ларини бирма-бир чиқариб, изоҳ беради. 30-40 тача кийим-кечак, ҳатто бир марталик болалар таглиги (ўрама билан) дейсизми, чақалоқнинг ота-онасига аталган бош-оёқ либослар кўзни қамаштирарди. Сарпо кўрсатиш маросими тугаб, жихоз макташ бошланди: бешик, манеж, кажавача, ётоқ кровати, кир ювиш машинаси, қаттиқ ва юмшоқ, каттаю кичик ўйинчоқлар, чўмилиш ванначаси... Хуллас, бу матоҳлар эндигина дунёга келган гўдакка то 4-5 ёшгача етарди. Кеңкурун бу манзарадан ҳайратга тушганимни сезган хотиним шундай изоҳ берди: "Нимасини айтасиз, шуларнинг ҳаммасини келиннинг ота-онаси юбор-



си етмагандай, ҳали набира кўргач, «қовурдоқ» ҳам қилолмас керак, дегани ортиқча. Бизлар адашган эканмиз, деса бўладими? Эр-хотин туркухонага югурдик. Билсак, она-бола қизимни ўртага олиб, роса камситишибди, қайнотаси ўртага тушса, уни ҳам жеркиб беришди ва охири-оқибат асабийлашиб, қон босими кўтарилиб кетибди. Кейин "Тез ёрдам" чақирибди. Қизим бир ҳафтада зўрга ўзига келди. Лекин куёвнинг

камаштирарди. Сарпо кўрсатиш маросими тугаб, жихоз макташ бошланди: бешик, манеж, кажавача, ётоқ кровати, кир ювиш машинаси, қаттиқ ва юмшоқ, каттаю кичик ўйинчоқлар, чўмилиш ванначаси... Хуллас, бу матоҳлар эндигина дунёга келган гўдакка то 4-5 ёшгача етарди. Кеңкурун бу манзарадан ҳайратга тушганимни сезган хотиним шундай изоҳ берди: "Нимасини айтасиз, шуларнинг ҳаммасини келиннинг ота-онаси юбор-

МУНОСАБАТ

ган. Ҳатто дастурхондаги ноз-неъматларнинг...

— Шундай бўлмағур расм-русумларга амал қилаётганлар тўқликка шўхлик қилаётганини билмайди дейсизми, беш қўлдай билади. Минг афсуски, манманлик, ўзини кўрсатишга уринаётганлар орамидан учраб туради, — дейди пойтахтимизнинг Собир Раҳимов тумани «Ғалаба» маҳалласи диний маърифат ва маънавий-ахлоқий тарбия ишлари бўйича маслаҳатчиси **Малика Ғанихўжаева**. — Масалан, бизнинг маҳалламазда тўй, маъракаларни ўтказишда дабдабазлик ва исрофгарчиликка йўл қўймаслик қаттиқ назорат қилинади. Бу борада обрў-эътиборга эга, эиёли фаоллардан иборат «Тўй ва маросимларни ўтказиш комиссияси» аъзолари жиддий фаолият юритишмоқда. Шунингдек, биз ҳар бир оиланинг аҳоли, тўй-удумларни ўтказишлардаги мақсад ва ҳаракатларини олдиндан билиш мақсадида уйбоши ва йўлакбошиларнинг хизматларига таянамиз. Улар орқали воқеа-ҳодисалар ҳақида олдиндан хабардор бўлишимиз юқоридаги каби кўнгилсиз ҳолатларни бартараф этишимизда анча қўл келмоқда. **Масалан, жорий йилда маҳалламазда келин туширган оилаларда ҳайит маросими дабдаба билан ўтказилиши ўрнига, янги келин-куёвларимиз шаҳар ҳокимияти ташаббуси билан Тошкент вилоятининг баҳаво жойларидидаги ажойиб дам олиш масканидида ҳордик чиқариб келишди.**

Хулоса сифатида айтиш керакки, тўй-маросимларимиз ва улардаги миллий урф-одатлар, анъаналар, расм-русумлар азал-азалдан ҳалқимизнинг бой маънавий ўриси сифатида қадрланиб келинган. Шундай экан, биз ҳам ана шундай боқий ва ўлмас қадриятларимизга соя солмаслик йўллари излашимиз керак. **Н. ЭЛМИРЗАЕВА**

ФАРМОН ВА ИЖРО

ТЕКШИРИШЛАР ҚИСҚАРДИ

Мамлакатимиз Президентининг 2005 йилда қабул қилинган "Тадбиркорлик субъектларини текширишни янада қисқартириш ва унинг тизимини такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида"ги Фармони (мазкур ҳужжатга 2005 йилда айрим ўзгартиришлар киритилган)да белгилаб берилган мақсад ва вазифаларни амалга ошириш борасида пойтахтимизнинг Собир Раҳимов тумани давлат солиқ инспекцияси ходимлари ҳам махсус дастур асосида фаолият юритиб келишмоқда. Айниқса, Фармонда алоҳида қайд этилганидек, тадбиркорлик субъектларининг ишлаб чиқариш биналари, савдо шохобчалари қаерда жойлашганидан қатъи назар, уларнинг молия-ҳўжалик фаолиятини текшириш тадбирларини (мазкур Фармонга мувофиқ, текшириш мuddати микрофирмалар, кичик корхоналар ва фермер ҳўжаликларидида ҳар тўрт йилда бир марта, бошқа тадбиркорлик субъектларидида эса уч йилда кўпи билан бир марта қатъий равишда белгиланган)га йўл қўйилмаган ҳолда жойлардаги бошқа солиқ органлари билан ўзаро ҳамкорликда иш олиб борилмоқда.

Айниқса, ушбу Фармоннинг мазмун-моҳиятини тадбиркорлар ўртасида кенг тарғиб этиш, шунингдек, шу соҳага бевосита дахлдор амалдаги қонун ҳужжатларининг жойларда қандай амалга оширилаётганлигини ўрганиш мақсадида туманимиз ҳудудидида мунтазам равишда семинар, учрашувлар ўтказилмоқда. Ана шундай жонли мулоқотларда ўн мингдан кўпроқ ишбилармонлар қатнашиб, ўзларининг ҳуқуқий ва иқтисодий билим ва малакаларини оширдилар. Инспекция қошидаги "Ишонч телефони" орқали эса тегишли саволларга жавоблар қайтарилди. Энг муҳими, туман ҳудудий комиссияси ҳузурдаги жамоатчилик кенгаши ва тадбиркорлар ўртасида ишончли ҳамкорлик кенг йўлга қўйилганлиги ижобий самара бермоқда.

Шу ўринда алоҳида қайд этиш лозимки, инспекциямиз томонидан тадбиркорлик субъектларидида текшириш ўтказадиган ходимларнинг билими ва савиясини ошириш борасида ҳам аниқ чора-тадбирлар белгилаб қўйилган. Яъни бундай жараёнда фақат аттестациядан ўтган ва текшириш ҳуқуқини берувчи махсус руҳсатномага эга бўлган ходимларгина иштирок этиши назарда тутилган. Текширишлар тартибини бир йил ичида такроран бузилишига йўл қўйган ходимларга тегишли қатъий чоралар қўрилади.

Гулсара КАНЧУРИНА,
Тошкент шаҳар Собир Раҳимов тумани ДСИ
шўъба бошлиғи.

Кўча-кўйда қадди-қомати келишган, хизмат кийими ўзига ярашган ички ишлар ходимларини кўргангизда, албатта, ҳавас билан қарайсиз. Бу машаққатли соҳада эркаклар билан бир қаторда лобар, нозик аёлларнинг хизмат қилаётганига эса тан бермай иложингиз йўқ. Ана шундай фидойилардан бири, полковниклик даражасига етган Пардаҳол Эрқулова эса Фузор туманидаги Эскибоғ қишлоғида туғилиб, вояга етган. Аслида унинг биринчи мақсади шифокор бўлиб, одамлар дardига малҳам бўлиш эди. Лекин тақдир азал хукими ёки ризқ-насибами, хуллас, шифокорлик қолиб, Тошкент давлат университети (ҳозирги ЎзМУ)нинг ҳуқуқшунослик факультетига ҳужжатларини топширди. Бунга уларнинг ақин қариндоши Ҳайит Носировнинг «Мана шу қизим ҳуқуқшунос бўла-

25 октябрь — Ички ишлар идоралари ходимлари кун

1986 йили ўқишни аъло баҳоларга тамомлаган Пардаҳол Эрқулова йўлланма билан Қашқадарё вилояти Ички ишлар бошқармасига ишга келди. Дастлаб вилоят ИИБ Тергов бошқармаси бошлиғи вазифасида ишлаган, полковник, раҳматли Улаш Саимов ёш ҳуқуқшуноснинг эгаллаган билимларини обдон синовдан ўтказиб, уни терговчиликка тавсия этди. Ана шу пайдан бошлаб у устозлари — Улаш ака ва истеъфодаги полковник Эшмаҳмат Тўрабевдан тергов соҳасининг сир-асрорларини кунт билан ўрганди. Университетда олган назарий билимларини амалиёт билан бирга олиб борди.

Мана қарийб чорак асрдирки, Пардаҳол Эрқулова малакали терговчи, жонқуяр мураббий сифати-



си хафа бўлиши мумкин. Шу боис, кимки мени ўзига устоз деб билса, ўша шогирдимдир», деб қўйди салимий жилмайиб.

Ҳар ишда ташаббускор Пардаҳол опа билимдонлар касби бўлиш терговчиликни ардоқлаш билан бирга, вилоят ички ишлар идоралари хотин-қизлар кенгаши раиси сифатида ҳам фаоллик кўрсатиб ишламоқда. Оилада турмуш ўртоғи Шокир ака билан икки ўғил ва бир қизни тарбиялаб вояга етказишмоқда.

Ана шундай фидойи, билимдон, ёшларнинг севимли устози ва мураббийси, Қашқадарё вилоят ИИБ Тергов бошқармаси ШТБИГ катта инспектори, полковник Пардаҳол Эрқулова тимсолида бу заҳматли соҳа вакиллари, шу жумладан, хотин-қизларни ҳам уларнинг 25 октябрда нишонландиган Ички ишлар идоралари ходимлари кун муносабати билан чин қалбимиздан муборакбод этамиз.

Майсара ҚҮЙЛИЕВА,
Қашқадарё вилояти.

ПОЛКОВНИК АЁЛ

ди. Ўзига қолса-ку, дўхтир бўлмоқчи. Аммо шифокор беморнинг танабини, ҳуқуқшунос эса унинг онги ва хулқини даволайди. Мантқан йўлаб қаралса, иккиси ҳам яхши касб» деган гапи унинг хаёлига қаттиқ ўрнашиб қолганди. Қолаверса, қилиб-билмай қонунбузарлик содир этган шахсларга айбини моҳиятини тушутириб, тўғри йўлга солиш, уларнинг ҳуқуқий онги ва маданиятини юксалтириш шифокорлик касби каби ҳуқуқшуносдан катта билим ва тажриба талаб этишини англаб етди.

Университетда ўқиш жараёнида у ҳуқуқ илмини пухта ўзлаштириши билан бирга, ҳарбий кафедрада ҳамширалик касбининг сирасорларини ҳам ўрганди. Тириш-қоқлиги, дарсларни пухта ўзлаштириши ва зуққолиги билан аъло талабалар қаторидан жой олди.

да ички ишлар идораларининг тергов хизматида эркаклар билан бир сафда сидқидилдан хизмат қилиб келмоқда.

— Терговчи ҳар бир жиноятни таҳлил қилишда адолатни устувор билиб, ҳолислик нуқтаи назаридан ёндошиши керак. Ана шундагина ҳар қандай жиноятнинг очилиши тез, сифатли ва самарали бўлади, — дейди Пардаҳол опа. — Қаршинда ўтирган гумонланувчим ёки айбланувчим, ким бўлишидан қатъи назар, унинг ҳуқуқ ва эркинликларига дахл қилмаган ҳолда иш юритиш доимо терговчининг диққат марказида бўлиши шарт.

Пардаҳол Эрқуловдан шогирдлари ҳақида сўраганимизда, у қиши бироз хижолат тортиб, «Ростини айтсам, шогирдларим талайгина. Бирини айтсам, бошқа-

«Салом Мастураҳон опа! Мана, бағрингиздан учирма бўлганимга ҳам йигирма йилдан ошди... Кеча эса тиббиёт фанлари номзоди номини олишга муяссар бўлдим. Ва беихтиёр сизнинг мунаввар чехрангиз кўз олдимга келди... Нимжон, касалликдан толиққан кизча эканман (ойим бу ҳақда кўп гапирардилар). Доим кўғирчоқларни «даволаётганимда» гуруҳимизга кириб қолардингиз. Шунда бошимни силаб: «Насиб этса, кизим, сендан ажойиб дўхтир чиқади!» дердингиз. Бу гапларингизнинг маъносига ўша пайтда унчалик тушунмаган бўлсамда, аммо «зўр дўхтир бўлиш» истаги мени ҳеч тарк этмасди. Илмий ишимни ҳам жигар хасталиги бўйича ёқладим. Сиздан миннатдорман, устоз! Энг қийин лаҳзаларда болаларнинг оёққа туриб олишлари учун барча имкониятни ишга солганингиз ва бугун ҳам бу гамхўрликни изчил давом эттираётганингиз учун ташаккур!..»

Мастураҳон опа мактубни ўқиркан, кўзлари намланиб: «Вой, бу ўша, Алияхон-ку! Илоё, умри узоқ бўлсин», — дея йигирма олти йилдан бери бир даргоҳда елкама-елка беминнат хизмат қилиб

нинг «сийлови»дан бебаҳра қолмаганлар. Онаси Меҳринисо аядан (Оллоҳ раҳмат қилсин) эса пазандалик ва юмшоқ кўнгилик ҳамма фарзандлар қатори Мастураҳон опага ҳам мерос

ванинг бизга кўрсатаётган бегараз кўмак ва фойдали маслаҳатларини ҳам алоҳида таъкидлашим керак.

Масканимизда олиб борилаётган «Учинчи минг йиллик боласи» Давлат

ШУНДАЙ ЯШАР ОДАТДА ОДАМ

бали ходимнинг деярли ҳаммаси фидойи, десам янглишмайман. Боғча ташкил бўлган кундан бўён сидқидилдан меҳнат қилаётган малакали мутахассисларимиздан «Халқ таълими аълочиси» А. Раҳимова, З. Нуралиева, Р. Пўлатхўжаева, М. Набиева, М. Назирхонова, М. Тошмухаммедова, З. Ниёзова, М. Содиқова, Д. Бахронова кабилар билан ҳар қанча фахрлансак арзийди. Қизларимиз эса бир неча марта «Йил тарбиячиси» кўрик-танловининг шаҳар босқичида фахрли ўринлар соҳиби бўлишгани ҳам бизга алоҳида масъулият юклайди.

— Биргина кичкина оилани бошқариш кишидан қанчалар куч-ғайрат талаб қилади. Сизнинг ҳам катта бир даргоҳни бошқаришдан чарчаб, баъзан сиқилган пайтларингиз бўлганми?

— Азоб ва қийинчиликдан ўзини олиб қочган одам ҳеч қачон муваффақиятга эриша олмайди. Бу касбининг юки, залвори қанчалар оғир бўлмасин, болалар олдидаги масъулият мени доим сергаклантириб туради.

Масалан, ўзимизнинг кичкина оилани олайлик: турмуш ўртоғим Олег Тожиев — кишлоқ хўжалик фанлари номзоди, ўғлим Баҳромжон — «Ўзбекистон хаво йўллари» компаниясига қарашли аэропорт бошлиғи, кизим Махмудохон — логопед, келиним Дилнозахон — ҳуқуқшунос, куёвим Рустамжон — муҳандис ва беш набирамнинг кўнглимни осмон қадар юксалтирадиган қувончли ютуқлари, беминнат кўрсатаётган ёрдамлари менга ҳамма қувват беради. Раҳматли қайнотам, кишлоқ хўжалик соҳаси фидойиларидан бири Махмуджон ота ва қайнонам, шифокор Мукаррамхон аялардан мингдан минг розиман. Чунки улар менга Хаёт илмидан катта сабоқлар бериб кетишди. Улар билан ўн беш йилча бирга яшаб, дуоларини олиш бахтига эришдим.

Энг муҳими, ҳамма хавас қиладиган, илоё кўз тегмасин дейман, ибратли, ахил оиламиз бор. Минг бора Яратганга шўқрона айтаман, нега десангиз истиқлол даврида ота-боболарим тушларида кўрмаган кунларни кўрмоқ бахтига етдик. Юртимиз тинч, осойишта, тўқтўқинчиликда яшаймиз. Қолаверса, мен ҳар доим қадрдон жамоамга суяниб яшайман, дилдош дўстларим кўп.

БАҒРИКЕНГЛИК АЪМОЛИ УНИНГ



Оила — муқаддас кўрғон

қалаётган услубчи Александра Раҳимовага юзланди. Иккиси ўтган унутилмас йилларни эслаб кетишди.

Ҳа, Мастураҳон Тожиева пойтахтимизнинг Юнусобод туманидаги 500-боғча санатория муассасасига мудира этиб тайинланганда, бу ерда эндигина қурилиш ишлари бошланганди. «Дўймочка» соғломлаштириш мажмуаси 320 ўринли бўлиб, вирусли гепатит — «сарик» касаллиги билан оғриб, тузалган болаларга мўлжалланганди. Мудира чанга ботиб, шовқин-суронли қурилиш ишларига аралашиб юраркан, болалар учун зарур бўладиган майда-чуйда ишларгача хаёлидан қочирмасди. Тиббий муолажа хонаси, мусика ва спорт заллари, рус тили, инглиз тили машғулот ишоналари, ўйин майдончаларидаги айвонларда акс эттириладиган эртақлар мавзугача айтиб, қурувчи ва дизайнерларга кўмаклашди. Болаларга қувонч ва завқ улашувчи «яшил дунё», ўйин ускуналари шаклига ҳам катъий эътибор қаратди. Кичкинтойларнинг ўйнаб, дам олишлари учун мева-ли дарахтлар сояси ва гулу райхонлар ифори зарурлигини-да эсидан чиқармади.

Мастураҳон опанинг қалбида ўзи танлаган касбга бўлган меҳр, ташкилотчилик қобилияти отасидан ўтган бўлса ажабмас. Раҳматли Абдуқаҳор ака Тошбулоқ кишлоқ савдо корхонасида раис бўлиб ишлаган, бағрикенг, меҳнатқаш, ёрдамга муҳтожларга қўлидан келгунча ўз кўмагини аямаган, савобталаб инсон эди. Айниқса, болалар деса, жонини берарди. Йўл-чўлда бирор кичкинтой йиғлаб ёки аразлаб турганини кўрса, албатта тўхтаб, ёнидан бирор ширинлик чиқариб берар, уни эркалаб, аразини аритарди. Худди ана шу ўлмас фазилат оиладаги тўрт кўзи бир ўғилнинг қалби, жону дилига сингиб кетган десак, ишонаверинг. Нафақат уйдаги, балки кўча-қўйдаги болалар ҳам улар-

қолган. Онаси уларнинг ўқиши борасида ҳам жуда талабчан эди. Шу боис Мастураҳон бошқа опалари ҳамда укасига ўхшаб, Наманган шаҳридаги 10-ўрта мактабни аъло баҳолаб тугатди. Сўнг Тошкентдаги Охунбобоев тиббиёт коллежида таҳсил олиб, шаҳардаги 5-поликлиникада ишлаб бўлади. Аммо отасидан ўтган «болажонлик» хислати уни Низомий номидаги Тошкент Давлат педагогика институти (ҳозир университет)га чорлади. Мастураҳон бу даргоҳда сиртдан ўқиш билан бирга, республика руҳий касалликлар шифонасида логопед бўлиб хизмат қилди.

1985 йилдан бўён биз тилга олган мазкур боғча-санаторийга раҳбар этиб тайинланган Мастураҳон опа, энг аввало, боғчага ходимларни ҳам танлов асосида қабул қилди.

— Чунки, «болабозор» одам норасида гўдакнинг хархашасини, талабини кўтаролмайди, — дейди Мастураҳон опа. — Бу даргоҳда сабр-бардошли, меҳридарё инсонларгина ишлаш олади. Тарбия масканига 2 ёшдан 7 ёшгача бўлган болалар касаллик тарихига асосан йўлланма билан келишади. «Гепатит» (сарик касаллиги)нинг «А» тури — 6 ой, «Б» тури — 1 йил ва сурункали тури билан оғриб, тузалганлар — 2 йил шифокор назорати ва парваришида бўладилар. Боғча-санаторийдаги тарбия жараёни бепул бўлиб, болаларнинг тўла соғайиб, мактабга кўчишлари учун барча шарт-шароитлар муайян қилинган. Касалликни аритувчи турли хил дармондорили таомлар, гиёҳлардан тайёрланган шарбатлар, Шарқ таъбабати бўйича гимнастика машғулотлари, уқалаш (массаж), шахмат-шашка, инглиз ва рус тиллари тўғрақлари, мусиқа, спорт заллари барча-барчаси кичкинтойларнинг баркамол бўлиб вояга етишлари йўлида хизмат қилади. Шу ўринда Юнусобод тумани халқ таълими бўлими мудираси Маъсуда Одило-

ушлаб кўриш йўли билан таништирилиши уларнинг тасаввур ва дунёқарашини кенгайтиришда муҳим ўрин тутаяпти.

Санаторийимизда, шунингдек, «уста-шогирд» йўналиши асосида ҳам ёш ишчиларга тажрибали ходимлари-



— Болалар менинг жону дилим, — дейди Мастураҳон опа.

миз Д. Абдурахимова ва Ў. Ориповалар машғулотлар ўтказиб туришади. Жамоамиз аъзолари «Юнус ота» фукарлар йиғини фаоллари ҳамда ота-оналар билан ҳам тез-тез мулоқотда бўлиб туришади. Уларнинг тақлиф, фикр-мулоҳазаларини ўрганиб, иш жараёнида фойдаланамиз. Ота-оналар: «Болаларимиз боғчада пишириладиган пишириқ ёки бошқа турли хил таомлардан тайёрлаб беринг, деб хархаша қилишади» дейишса, қўли гул ошпазларимиздан хурсанд бўлиб кетаман. Масканимизда фаолият юритаётган 65 нафар тажри-

Ҳа, «Умр неча йил яшаганингиз билан эмас, қилган файзли аъмолларингиз билан ўлчанади» дейишганда доғишмандларимиз ҳақ эдилар. Меҳр кетидан эса ҳаммиша бахт ва омад ўзи эргайиб келаверади. Мастураҳон Тожиева ҳам ана шундай бахт ва омаднинг ўзига йўлдош қилолган юртдошларимиздан биридир. Унинг хаёт йўлидан кўпчилик ибрат олса арзийди.

Санобар **ФАҲРИДИНОВА**, «Оила ва жамият» муҳбири.

МУНОСАБАТ

СИЗДАН ШИФО ТОПДИМ

Газетамизнинг ўтган сонларида Ўзбекистон халқ табobati академияси аъзоси, табиб Муҳаббат Холматова ҳақидаги мақола («Учинчи кўз»ли аёл», 2010 йил 26 август) чоп этилгач, кўпчилик юртдошларимиздан кўнгирақлар ва мактублар олдик. Уларнинг аксарияти айни кунларда асосан, бефарзандликни даволашда самарали натижаларга эришадиган табиб Муҳаббат Холматованинг даво муолажаларига қатнаб, айримлари аллақачон шифо топиб улгуришган инсонлардир. Бугун ушбу дил изҳорларини газетамиз орқали etkazmoқdamиз.

МАКТУБЛАРДАН САТРАЛАР

«Турмуш ўртоғим билан саккиз йил бефарзандлик азоблари, таъна-дашномларини бошдан кечирдик. Даволанмаган санаторий, кўринмаган дўхтиру табибимиз қолмагани. Афсуски, орзуларимиз пучга чиқверди. Бу ҳам етмагандек, ўтган йили бачадон кистаси хасталигига йўлиқиб, операция қилишга тўғри келди. Операциядан сўнг мени даволаган врач турмуш ўртоғимга энди фарзанд кўролмаглигини ва бунга 90% кафолат беришини айтибди. Бу ҳақда кейинроқ эшитгач, қандай ҳолатга тушганимни тасаввур ҳам қилолмайсиз. Тушқунликка тушиб юрганамда укам «Оила ва жамият»ни кўтариб келди. Турмуш ўртоғим билан иккимиз чин ихлос билан Муҳаббат опанинг даво муолажаларига қатнай бошладик. Ишонасизми-йўқми, даволанишнинг биринчи курсидаёқ хомиладор бўлдим.

«Учинчи кўз»ли аёл,
2010 йил 26 август

Сайёра Зокирова,
31 ёш.
Тошкент шаҳри».

«Менга уч йил фарзанд кўриш насиб етмаганди. Муҳаббат опа ҳақида эшитганимдан сўнг у кишининг даво муолажаларига ихлос билан қатнай бошладик. Ҳамма айтганларига амал қилганимиз учунми, тез орада хомиладор бўлгандим. Мана вақти-соати етиб ола бўлиш насиб этди. Ўғилчамиз борлигидан бутун оиламиз билан хурсандимиз. Илоҳим, Муҳаббат опанинг қўллари дард кўрмасин.

Дилноза Атауллаева,
23 ёш».

«Ҳар бир аёл учун энг катта орзу бу шубҳасиз она бўлиш, фарзанд кўриш бахтига эришишдир. Мен ҳам бошқалар қатори Муҳаббат опанинг эшиқларидан ноумид кетмадим. У кишининг ширин сўзлилиги, қалбингизга қулоқ тутиши ҳар бир мижозни эринмай тинглаши ва қўлларидаги биоқувват таъсирида ўзимни ниҳоятда енгил ҳис қилардим. Ва бир кун мен ҳам албатта она бўла оламан деган ишончини туйардим. Аллоҳга шукр, менга ҳам хомиладор бўлиш бахти насиб этди. Биз турмуш ўртоғим билан бу аёлдан тоабад миннатдоримиз.

Шоҳистахон Юсупова, 23 ёш».

Н. ЭЛМИРЗАЕВА тайёрлади.

БИР ҲОВУЧ ДУР

Ўз ўғлини ҳеч бир фойдали ишга ўргатмаган одам ўғри боқаётган бўлади.

Т. ФУЛЛЕР

Насиҳатгүйлик билан яхшиликка етишиш қийин, ўрнак кўрсатиш орқали эса осон.

СЕНЕКА

Москвадаги Халқаро

Абу Али ибн Сино академиясининг магистри

табиб ХУРСАНД АЛИ

табобат хизматини тақлиф этади:

- Ошқозон-ичак, ўт пуфаги, қораталоқ касалликлари;
- Бепушглик, жинсий аъзолар шамоллаши; буйрак ва тухумдон кисталари, простата беши шамоллаши;
- Буйракдаги тошларни тушириш;
- Гижжа, лямблялар ариб, теридати оқ доғлар(ветелиго) ва ажинлар кетали;
- Умуртқа чурраси, бел ва оёқ оғриғи, бод, артрит, полиартрит, бўйин ва елкада, тиззада туз йиғилиши сингари хасталиқлар;
- Юрак, қон-томир хасталиқлари, қон босими, инсулыгдан кейинги тикланиш даври ва асаб касалликлари;
- Буқоқ касаллигининг ҳар қандай тури Шарқ табobati усулида тийғар билан даволанади.

Манзил: Тошкент вилояти Ўрта Чирчиқ тумани Қумовул (Бектемир) кўрғони.

Телефон: (+99897)156-57-31. Лицензия № 95
Табиблар реестрида 2092-рақам билан қайд қилинган.



«NORBEKOV SOG'LOMLASHTIRISH MASKANI»

Сизларни соғломлаштириш курсларига тақлиф этади!

Агар Сиз истасангиз дардингиздан халос бўлишингиз мумкин. Бу йўлда биз Сизга ёрдам берамиз. Сиздан фақат хоҳиш, ҳаракат, ишонч ва озгина меҳнат талаб қилинади. Бизнинг марказимизда академик Мирзакарим Норбеков услуби бўйича ҳеч қандай дори-дармонсиз, ташқи таъсирларсиз 10 кун мобайнида турли хил машқлар ёрдамида инсоннинг ички ҳимоя кучлари ишга солиниб, кўплаб дардлардан фориғ бўлишингизга ёрдам беради.

Жумладан: кўз касалликлари, астигматизм, узоқ ва яқинни кўра олмаслик, катаракта, қон томирлар варикози, қон босими ошиши, остеохондроз, юрак-қон томирлари хасталиғи, кўз ва қулоқ нервлари невритлари, ички аъзо хасталиқлари, ошқозон-ичак хасталиғи, ўпка-нафас олиш системаси, модда алмашинуви, умуртқа поғонаси, гинекологик, урологик, аллергия тери хасталиғи, астма, простатит, гипертония, экзема ва бошқа касалликлар. Бундан ташқари, соғлигингизни тиклабгина қолмай, турли хилдаги оғриқлар, руҳий тушқунлик, уйқусизлик, асабланиш ҳолатлари, оилавий ва атрофингиздаги одамлар билан бўладиган муаммоларни бартараф этишингизга ёрдам берилади. Академик Мирзакарим Норбековнинг соғломлаштириш услуби фойдали, шу билан бирга оддий ва самарали. Бу услубнинг асосини шарқ файласуфларининг мумтоз аъёнлари ва қадим китобларда тасвирланган, йиллар синовидан ўтиб келган соғломлаштириш усуллари ташкил қилади. Бу услуб ёрдамида марказимизда 7 ёшдан 70 ёшгача бўлган инсонлар фойдаланишлари мумкин.

Таништирув кuni 30 октябрь кuni

соат 10⁰⁰да. Биринчи кун кириш бепул.

МАНЗИЛИМИЗ:

Тошкент шаҳри,
Чўпон-ота кўчаси, 23 «а»-уй.
Мўлжал: метроини М.Улугбек бекати, 9-қаватли сариқ бинонинг орқасидаги 2 қаватли бинода.
Батафсил маълумот учун телефонлар: (8 371) 276-44-59; 276-28-89.
www.norbekov.uz e-mail: madadi-sino@mail.ru

«ЎКТАМХОН-НУР»

Ўқув маркази

қуйидаги ўқув курсларга тақлиф этади:

- | | |
|---|---|
| Тикувчилик — 3 ой, бошловчилар — 6 ой. | Бухгалтерия ҳисоби — 3 ой. |
| Тўй ва оқшом либослари — 1-2 ой. | Элита парда ва чойшаблар олий курси — 1 ой (амалиёт билан). |
| Аёллар костюм-шими, плаш-пальто — 1-2 ой. | Сартарошлик — 2-3 ой (ўғил бола-лар учун, амалий). |
| Ҳамшира — 6 ой. 4 ойи ўқиш, 2 ойи амалиёт. | Каштачилик — 3 ой (машинада вышивка). |
| Ҳамшира (тезкор) — 3 ой. | Тўқувчилик — 2 ой. |
| Тиббий массаж — 2 ой (амалиёт билан). Нуктали — 1 ой. | Инглиз тили — 3 ой, бошловчилар — 6 ой. |
| Торт ва пишириқлар — 2 ой (амалиёт билан). | Рус тили — 3 ой, бошловчилар — 6 ой. |
| Пишириқлар олий курси — 1 ой. | Бисер тикиш, яъни мунчоқ тикиш — 2 ой. |
| Уйгурча таомлар ва салатлар — 1 ой (амалиёти билан). | Сунъий гул ясаш — 1-2 ой. |
| Аёллар сартарошлиғи — 3 ой (амалиёт билан). | Компьютер сабоқлари — 2 ой. Интернет — 1 ой. |
| Педикюр, маникюр — 1 ой (амалиёт билан). | Арабча ва миллий рақо — 3 ой. |
| Сартарошлик — 3 ой (амалиёти билан). | |
| Тўй ва оқшом турмақлари ва маки-яж — 1 ой. | Ўқишга қабул ҳар кун |

Машгулотлар амалиёт билан бирга олиб борилади. ■ Ётоқхона мавжуд.

Ўқишни тугатганларга ДИПЛОМ берилади.

Манзил: Тошкент шаҳри Юнусобод тумани, 3-мавзе, 1-уй, 31-хона. Мўлжал: Юнусобод деҳқон бозори орқасида. Тел.: (8 371) 221-17-95, (8 371) 221-77-72 (кундузи), (8 371) 225-97-93 18:00 дан 22:00 гача.

«МОНАДА-АМОН»

МЧЖнинг неврология шифохонасида юқори технологияли тиббиёт аппаратлари ёрдамида беморларга тўғри ташхис қўйилиб, самарали даволанилади.

Швейцарияда ишлаб чиқарилган «Swiss DolorClast» аппарати ёрдамида зарб-ли-тўлқинли терапия (ЭУВТ) ўтказилади. Бу даволаш усули остеохондроз, дискуралари, сколиоз, остеоартроз, мушак ва пайларни тортиб оғриши каби касалликларда ўта самарали бўлиб, бўйин, елка, қўл, бел, оёқ бўғимларидаги қолган пайлар, тузаларни юмшатиб, сўрилиб кетишига, ўрнига янги тўқималар пайдо бўлишига замин яратади.

Шунингдек, компьютерлашган лазеротерапия аппаратида бир вақтнинг ўзи лазер нури билан лазеротерапия ва лазерли рефлексотерапия муолажалари жасамлашган ҳолда олиб борилади. Бундан ташқари, компьютерлашган аппаратда умуртқаларни чўзиш, ультрафонофарез, карипазин билан электрофарез муолажаси, нуктали уқалаш, нина санчиб даволаш ва бошқа физиотерапевтик муолажалар юқори малакали мутахассислар томонидан ўтказилади.


Шифохонада уч ўлчамли УЗИ аппаратида ички аъзоларни УЗИ қилиш, юқори УЗИси, компьютерлашган ЭКГ, электромиография текширувлари, шунингдек, ҳамма лаборатория таҳлилларини ўтказиш йўлга қўйилган. Шифохонада ётиб ва қатнаб даволаниш учун барча шароитларга эга бўлган стационар мавжуд.

Тел.: (+99897) 119-32-10, (+99897) 338-35-15

Факс: 8 (371) 283-40-35. Электрон почта: monada-amon@mail.ru

Манзил: Тошкент шаҳри, Миробод тумани, Норхўжаева кўчаси, 52-уй. Мўлжал: Фарғона йўли кўчаси «Ўзбум» бекати.

“Уч қиздан кейин ниҳоят, ўғил фарзанд кўрдик. Бола тўладан келган, соғлом, ривожланиши ҳам яхши. Аммо унинг жинсий органи назаримизда ҳамон жуда кичкина. Айтинг-чи бу хавфли эмасми?”



DOCTOR-D клиникаси раҳбари, тиббиёт фанлари номзоди Дилмурод ИРГАШЕВ жавоб беради:

Бу каби саволлар нафақат кичик ёшдаги ўғил болалари бор ота-оналарни, балки аллақачон турмуш қуриб, фарзандлар қўриб ёки анчадан буён бирга яшаб юрган эрхотинларни ҳам ўйлантираётгани сир эмас. Жинсий органларнинг ўлчами инсоннинг бошқа қисмлари каби энг аввало унинг авлодлари ва ривожланиш даражасига қараб белгиланади. Агар ўғил боланинг ҳомилалик пайти ёки туғилгандан кейинги даврда унинг жинсий органининг шаклланишида турли сабабларга қўра, айрим кам-

ЖАРРОҲ ҚЎМАГИГА

ЭҲТИЁЖ ЙЎҚ!

чилик ёки нуқсонлар (масалан, эркек жинсий гормони ҳисобланмиш тестостерон етишмовчилиги) борлиги аниқланган бўлса, ташқи жинсий орган ривожланиши бузилган ҳисобланади. Аммо жинсий балоғатга етиш даври (13 ёш)да ва катта эркекларда тестостерон моддаси кўп ҳолларда ўзини оқламайди. Эркеклар жинсий органининг кичиклиги асосан эпизодия, гипосподия ҳамда бирор жароҳат етиши ёки жарроҳлик оқибатида келиб чиқади.

Бу борада муаммолар туғилса, аксарият ҳолларда жарроҳлик амалиёти биринчи ўринга чиқади. Аммо шунинг таъкидлаш керакки, жинсий органлар, яъни эркек олатини каттайтириш ё узайтириш билан боғлиқ бу операциялар хар доим ҳам ижобий натижаларга олиб келавермайди. Сиз бу жарроҳликка агар юзага келиши мумкин бўлган салбий оқибатлардан қўчима-сангизгина рози бўлишингиз мумкин. Чунки жарроҳлик йўли билан катталаштириланинг олатда жинсий орган деформацияси, яъни унинг шаҳват пайтидаги беқарор бўлиб қолиши, шунингдек, нормал сезувчанликнинг йўқолиши ва бу нуқсонлар-



нинг умрингиз охиригача қолиб кетиши мумкинлиги хавфи бўлади. Сиз булардан қўрқмасангизгина жарроҳ столига ётишингиз мумкин.

Аммо шу билан бирга сизга жинсий органи нохирургик усул билан каттайтиришнинг энг безарар ва қўлай усулини ҳам тавсия этишимиз мумкин. Бу ўзига хос хусусиятларга эга ва инсон орга-

низми учун мутлақо безарар ҳисобланган **ЭКСТЕНДЕР** апарати учун ушбу апарат Илизаров апаратынинг замонавий ва мураккаблашган тури бўлиб, у эркек жинсий органини каттайтирувчи ва узайтирувчи хусусиятга эга бўлиб, ундан ҳаттоки уй шароитида ҳам махсус машқлар ёрдамида фойдаланиш ва олат ҳажмини ўзгартириш, унинг диаметрини каттайтириш мумкин.

ЭКСТЕНДЕР апаратынинг ишлаш усули: мослама жинсий органга кийгизиб қўйилгани учун этнинг беэиён тор-

тилиши ва қўзилиши кучи билан олат ўса бошлайди.

ЭКСТЕНДЕР “Андропенис” апарати шунингдек, турли жароҳатлар туфайли бирламчи шаклини йўқотган эркек олатини тўғрилаш уни дастлабки ҳолатига келтириш учун ҳам мўлжалланган. Бунинг учун ушбу апаратдан 6-8 ой мобайнида фойдаланилса, уни аввалги ҳолига ҳатто 70 фоизгача қайтариш мумкин.

Бир сўз билан айтганда, экстендер “Андропенис” ва вакуумли эректор апаратлари энг фойдали ва безарар, дунё миқёсида кенг қўлланиб келинаётган тиббий мосламалардан биридир. Сиз шифокор қўригидан ўтиб, тегишли маслаҳатларни олгач, ҳеч қандай тиббий дори-дармонлар ва жарроҳликсиз ҳам ўзингизнинг кўплаб нозик муаммоларингизни ҳал этиб олиш имконига эгасиз.

DOCTOR-D клиникасида 2005 йилдан буён вакуум-эректор апаратыни қўллаш йўлга қўйилган бўлиб, бу соҳада катта тажриба тўпланган. Шу боис ушбу апаратдан бевосита бизнинг масканимизда фойдаланишингиз ёки харид қилиб олишингиз мумкин.

Бу борада бизнинг “DOCTOR-D” ихтисослаштирилган клиникамизда керакли муолажалар, тиббий ёрдамлар кўрсатилади (тел: +99871-113-00-57). E-mail: hospita@doctord.uz.

URL: <http://www.doctord.uz>

(т)

● ДУНЁ ХАБАРЛАРИ ●

ЙИРИК ОЛМОС БИРЖАСИ ОЧИЛДИ

Мумбайда дунёдаги энг катта олмослар биржаси — «Bharat Diamond Bourse» иш бошлади, дея ёзади «The Hindu».



Мумбаи биржа мажмуаси қурилишига 250 миллион доллар сарфланган. 80 минг квадрат метрлик ҳудудда 2,5 минг трейдер фаолият юритади. 9 қаватлик 8 та минорадан иборат бинода трейдерлар ва олмос компаниялари билан бирга банклар ва божхона ҳам ишлайди. BDBнинг пул айланмаси келгуси йилда триллион рупий (22,7 миллиард доллар)ни ташкил этиши кўтилмоқда. 2009-2010 йиллари Мумбайда 610 миллиард рупийлик олмос экспорт қилинган.

Ҳиндистон бу қимматбаҳо тошни ишлаб чиқариш ва фойдаланиш борасида дунё миқёсида олдинги ўринларда туради. Хорижга олмос сотиш эса мамлакат жами экспортнинг 16 фоизини ташкил этади.

● ДУНЁ ХАБАРЛАРИ ●

ҚОҒОЗДА ҚОЛИБ КЕТМАЙДИМИ?

Япониянинг Нагоя шаҳрида биологик хилма-хиллик тўғрисидаги конвенцияга аъзо давлатларнинг 10-кенгаши бўлиб ўтди.

2002 йили конвенция иштирокчилари 2010 йилгача Ердаги биологик хилма-хилликка зиён етказишга “жиддий чек қўйиш”ни таъминлаш ҳақида қарор қабул қилганди, аммо бу мақсад мақсадлигича қолиб кетди. Нагоядаги бу галги кенгашда 2020 ва 2050 йилгача амалга оширилажак янги вазифалар белгилаб олинди. Асосий баҳслар ҳам айна шу муаммо атрофида кечди.

Европа Иттифоқи биологик турларнинг йўқолиб кетиш жараёни 2020 йилгача буткул тўхтатилишини қатъий талаб қилди. Аммо ривожланаётган давлатлар бундай мақсадни қўйиш бир утопия эканини таъкидлашмоқда. Улар бу борада маълум чегара белгилаш тарафдори бўлаёпти. Яна, учин-



чи дунё ўлкалари шу мақсадларни амалга оширишда ривожланган давлатлардан молиявий ёрдам ҳам сўрашмоқда.

● ДУНЁ ХАБАРЛАРИ ●

ҚАДИМГИЛАР ОНКОЛОГИК ДАРДГА ЧАЛИНМАГАН

Қадимги одамлар онкологик хасталиклардан азият чекишмаган, бундай дард замонавий цивилизация “маҳсул”идир.



Манчестер университети олимлари тахминан минг чоғли Қадимги Миср ва Жанубий Америка мўмийларини текшириб, шундай хулосага келишди. Бу ҳақда “Би-би-си” радиостанцияси хабар тарқатди.

Мутахассислар қарийб уч минг йил илгари яшаган одамларга азоб берган асосий касалликларни аниқлашди. Уларнинг таъкидлашича, сўнгги уч-тўрт асргача ҳам раққа олиб борадиган атиги бир-икки ҳолат бўлган. Фақатгина 18-юзийилликда Европада саноят инқилоби бошлангач, онкологик дардлар оммалашиб кетган.

Интернет манбалари асосида Фаррух ЖАБОРОВ тайёрлади.

● АЖИБ ОЛАМ ● АЖИБ ОЛАМ

ГОЛЛИВУДГА МАКТУБЛАР

Сиз шу вақтгача яқинларингиздан қанча хат олганингизни тахминан ҳисоблаб кўрганмисиз?.. Агар таниқли санъаткор бўлсангиз, албатта, муҳлисларнинг юзлаб мактубларидан завқланган бўлишингиз мумкин. Балки, бу борада рекорд қўйиш орзуси ҳам сизни четлаб ўтмагандир... Орзуга айб йўқ!.. Ахир ҳаётда нималар бўлмайди?!

Бугун биз Голливуд қаҳрамонларининг почтасига бирров назар солмоқчимиз. Бу сиз учун ҳам қизиқ деб ўйладик.

Мультифильмлар қаҳрамони Микки Маус 1933 йилда 800 минг муҳлисидан мактуб олган. Бу — ойига ўртача 60 минг хатга тўғри келади.

Комик фильмлар қироли Чарли Чаплин 1921 йили ватани Лондонга қайтади ва ташрифнинг уч кунли давомида 73 минг дона мактуб олади. 1936 йили эндигина етти ёшга тўлган ширинтой актриса Ширли Темпл 60 минг муҳлисидан ҳавас тўла мактублар олади.

1928 йил америкалик актриса Клара Боу ўз номига 33 минг 727 дона хатни ўқиб чиқишига тўғри келади. Уч нафар котиб аса кечаю кундуз тинмасдан уларнинг барчасига жавоб ёзиб чиқади. Актрисанинг почта хизматига сарфлаган харажатлари бугунги ҳисоблар бўйича 26 763 долларга тўғри келади. Хуллас, бугунга қадар Голливуднинг барча киностудиялариغا келган мактублар сони умумий ҳисобда 24 миллиондан ошиб кетган.

ПУЛЛИК ТОМ

Одамлар бошқаларни ҳайратга солиш учун нималарни ўйлаб топишмайди, дейсиз. Франкфурт-Майндаги янги қад ростлаган уйлардан бирининг соҳиблари ўз яшаш масканларининг томини пул билан безатдилар. Улар махсус фанерларга турли пул бирликларини аксини муҳрлаб, сўнг томини ёпдилар. Қурилиш ишлари ниҳоясига етгач, пуллик томини кўриш иштиёқи бўлган қизиқувчилар серкатнов бўлиб қолишди.

Наргиза СИДДИҚОВА тайёрлади.

Эшик очилиши билан Дурдона кийиб юборди:

— Сюрпри-из!

Раъно хайрон. Ахир остонада турган дугонаси иккита катта сумка кўтариб олган, афтидан ё каёққадир кўчапти, ё...

— Уйлаб-уйлаб уйимни таъмирлатадиган бўлдим. Уладиган дунёда ўтирамани энди отам замондан қолиб кетган сариқ обойларга термулиб, дедим. Бунинг устига илмий ишимни ҳам бошлаб юбордим. Аммо битта балконишни эпқага келтиргунча бўларим бўлди. Вақтинча бошқа жойда яшаб турмасам, жинни бўлиб қолишим ҳеч гап эмас экан. Энди ўзимга квартира изласамми деб тургандим, бирдан эсимга сен тушиб қолдинг. Ҳақиқатан ҳам, Раънош, сенникида тинчлик, ҳамма шароитинг етарли, кун бўйи ишдасан, уйингда компьютер ҳам бор. Мен кундузи илмий ишимни қиламан, кечкурун эса сен билан чақчақлашиб ётамиз.

Раъно эса дастурхон ёзилганидан буён лаби лабига тегмай бидиллаганча шоша-пиша иссиқ чой хўллаб, қасир-қусир печенье еяётган дугонасига ҳали бир нарса дейишга улгурмаган, хурсандлигидан фақат яши қилибсан, тўғри қилибсан, деб қанчалик ҳовлиқётган бўлмасин, барибир кўнглининг бир четидан нимадир фимиллаб тинчлик бермасди. Бунга эри нима деркин?

— Бўпти, дугон, — чойхўрликни тугатиб, мазза қилиб керишиб олди Дурдона. — Энди мен бир душ-пуш қилиб чикунимча чувара тайёрлаб қўй, сенинг овқатларингни роса соғинганман.

Икки дугона қичирлашиб, бидиллашиб чуварахўрликни бошлаганда Раънонинг эри ҳам келиб қолди.

— О, Абиш, кўринишингиз зўр-у, — эски қадрдонларча (аслида ҳам шу-да) у билан саломлашди Дурдона.

«Абиш», яъни Абдулланнинг пешанаси тиришди. Бу киз ярим йилдан буён қорасини кўрсатмай кетгандику, яна қаёқдан пайдо бўла қолди?

Аслида Дурдона билан Раъно биргалда нафақат офтобда қатик, балки ботмон-ботмон туз ялашиб, дугона бўлганлардан. Иккаласи ҳам қишлоқдан келиб, ўқишга киришган, ижарада ҳам, ётоқда ҳам доим бира яшашиди. Улар оловин бўламинг деб ўйлашарди. Ёки иккита қалин дўстга турмушга чиқамизда, ҳар доим бир-биримиз билан оилавий борди-келиди қилиб тураминг дейишарди. Аммо ундай бўлмади. Икки дугона амаллаб ишга жойлашишгандики, Раънони узокроқ қариндошларининг ўғлига унаштирадиган бўлишиди.

— Унинг ўқимаган экан-ку, — фигони фалакка чиққандан ўшанда Дурдона бўлгуси қувё ҳақидаги барча маълумот-

ларни ипидан игнасиғача суриштириб билган. — Бунинг устига ёшиям сендан кичкина бўлса...

— Аммо кўриниши салобатли, — жилмайди Раъно.

Дурдона баттар тутақди ва улар биринчи марта Абдулла туфайли жиқиллашиб қолишди. Дурдона анча пайтгача ёш боладек қовоқ-тумшук қилиб юрди.

— Бор чик, келди анов Абиш-кабининг, — дерди у бўлгуси қувё Раънони сўраб эшик қоқса.

Шунга қарамай секин-аста Раънонинг саъй-ҳаракатлари билан Дурдона билан Абдулла анча-мунча тил топишиди. Аммо тўйда келиннинг дугонаси бўлиб

Мехмоннинг иззати уч кунда битиши тайин. Дурдонанинг келганига эса икки ҳафтадан ошди. Бу пайтда Раънонинг бўлари бўлди. Дугонанинг кирини юв, идишларни чай, ҳар кун тансиқ таомлар қилиб, ярим кечагача у билан лақиллашиб ўтир... Ахир Дурдона ҳар тугул қиз бола-ку, Раъно унинг олдида аввал оқшомдан ётоғига кириб кетолмайди. Бир куни Раъно ишида ушланиб қолди. Ҳамиша куйинчак эмасми, шоганча уйда, илм билан банд бўлиб ўтирган дугонасига телефон қилиб, музлаткидан у-бу олиб, ўзи бирор овқат қилиб қўйишини тайинлади ва уйга кеч қайт-

ОЙНА

ни била туриб шу ахволга солдингми?

— Мен нима қипман? Ўзи йиқилдику, — Дурдонанинг овозида қил этган афсус йўқ эди. Сўнг нафрат билан йиқиллаб жойидан туришга ҳаракат қилган Раънога қараб деди:

— Бу просто шантаж қилаяпти, Абиш. Бунча «лох» бўлманг.

Раъно дугонасини эшитмас, нуқул ингранганча ўзим йиқилдим дер, зўр бериб жойидан туришга уринарди. Абдулла хотинини кўтариб олди-да, тишларини гижирлатиб Дурдонага деди:

— Агар унга бир гап бўлса, ўзингдан кўр.

— Вой,вой,вой... Булар келишиб олишганми? Икковлашиб ёпишганичи? Мен нима қипман, тухматчи?

— Бас қилинглар, — ёлворди Раъно ва хушидан кетди.



борган Дурдона яна айнади.

— Ўзингни қандай ботқоққа тикиб ташладинг, дугон? Беш оловин, учта қайинсингли... Шўринг қуриди, энди.

Раънонинг эса у айтганчалик шўри қуримади. Тўғри, бошида роса қийналишиди. Раънога мутахассислиги бўйича қишлоқда ҳеч ким ма, ол, деб ишни боғлаб ўтирмаган экан. Бунинг устига эри шофёр бўлиб ишлаётган ширкат ҳам ёпилибди. Аммо ёшлар тезда бир қарорга келиб, ризкимизни шаҳардан излаймиз, деб кўчиб чиқишди. Ўша йиллик Раънонинг эри ўқишга кирди. Дарслардан кейин ҳаммолик қилди. Раъно ҳам пул топиш учун кечаю кундуз тиним билмади. Табиийки, аввал ижара уйда яшашиди, бир йил олдин эса икки хонали уй сотиб олишди. Фақат орадан салкам етти йил ўтган бўлсада уларнинг фарзанди бўлмади юрганди. Аммо бу ташвиш ҳам ортда қолиб, ниҳоят Раъно ҳомилдор ҳам бўлди. Дурдона-чи? У ҳам ёмон эмас. Унинг ҳам уйи бор, иши, илми, пули, хусни, аммо барибир турмушга чиқмади. Ҳамон оқ отли шаҳзодасини қутиб юрибди.

ди... Оғироеклиги учунми ниҳоятда чарчаган эди. Шу сабаб, аввалига Дурдонанинг қовоқ солиб ўтирганига аҳамият бермади. Кийимларини алмаштириб, зўра судралганча ошхонага ўтиб, қозонни очиб кўрди. Бўм-бўш. Чойнакни кўтарди. У ҳам бўш. Тугоқди. Ошхонадаги тарақ-туруққа кириб келган Дурдона юзи бўғриқанча, ерга қараб деди:

— Биладан, жонингга сизгадими-а. Раънонинг ранги-кути ўчди. Феъли торлик қилганидан дув қизариб кетди ва лалиллаб бориб дугонасини қучоқлади: ундай дема, жинни, ахир мен... деганини билади, пиқиллаб йиғлашга тушган Дурдона тантик боладай уни шундай бир силтаб ташладики, Раъно мувозанатини тутолмай гурсиллаб орқага ағдарилди. Йиқилаётиб эса пешанасини стул қиррасига ҳам уриб олди. Шовқинга ётоқхонадан Абдулла отилиб чиқди. Хотиннинг полда, бунинг устига пешанасидан қон тирқираб ётганини кўриб унинг эхсонаси чиқиб кетди.

— Нима қилдинг уни? — Дурдонага ўшқира кетди йигит. — Ҳомилдорлиги-

Раъно ҳомиласини асраб қолиш учун бир ой касалхонада ётди. Кейин таътилга чиқди. Дурдона ўша куниёқ уларниқидан чиқиб кетибди. Раъно касалхонада бўлса ҳам дугонасига кўп кўнгирак қилди. Абдулланнинг кўполиги учун ундан эра сўрамоқчи бўлди. Аммо Дурдона гўшакни кўтармасди.

— Хафа бўлма, — овуларди уни эри, — мана ёнингда мен борку. Бизга учинчи одамнинг нима кераги бор?

Барибир Раъно дугонасини унутолмади. Шунинг учун ҳам орадан бир неча ой ўтган, тўсатдан уйдаги телефон жиринглаб, гўшақдан Дурдонанинг «Раънош, қалайсан?» деган овозини эшитиди, шундай суюбни кетдики!

— Дурдон, нимага йўқолиб кетдинг? Қардайдинг? Тинчимсан?

— А, мен яхшиман. Ҳимоямин қилдим, катта банкет ўтказдим. Уйимга янги мейбеллар сотиб олдим. Вой, кўрсанг оғзинг очилиб қолади. Хуллас, ишим бошимдан ошиб ётибди. Аммо сенга бошқа масалада телефон қилаётганим. Дўстимман, тўғрисини айтмасам бўлмас. Анов Абиш эринг бошқаси билан дон олишиб юрганидан хабаринг борми? Бошида бунга ишонмагандим, аммо ўз кўзим билан кўрдиму...

Раъно у ёғини эшитиб ўтирмади. Шартта гўшакни жойига қўйди. Сўнг хоҳлаб қулиб юборди. Э Дурдона-ей, ҳалиям ўша-ўша: на дугона, на бегона. Сўнг эрининг гапини эслади. «Бизга учинчи одамнинг кераги йўқ».

— Нега энди, — ўйлади аёл ўғилчасини баргига босиб, унинг митти қулоқчаларидан ҳидлаб-ҳидлаб ўпаркан. — Керак, жуда керак. Айниқса, манавиндай ширингинаси...

Дилфуза ҚЎЗИЕВА

«Кўзимизнинг оқу қораси Ботиржон тугма ногирон. Отаси иккимиз тузалади, давоси бор деган гапни эшитсак, дунёнинг нариги четига боришга ҳам тайёр эдик. Минг афсуски, дўхтирлар жарроҳлик йўли билан ҳам даволанишнинг фойдаси йўқлигини айтишди. Ўғлимиз ҳаётда ўз ўрнини топсин дея унинг таълим-тарбияси билан жиддий шуғулландик. Зеҳни ўткир бўлгани учун мактабга бормасидан ўқиш, ёзишни биларди. Спортнинг теннис турига қизиқиб, машғулотларга узлуксиз қатнардди. Мактабда фақат аъло баҳоларга ўқигани, одобли бўлгани учун синфдошлари, устозлари яхши кўришарди. Кейин эса, Тошкент давлат иқтисодиёт университетига ўқишга кириб, имтиёзли диплом билан тугатди. Ҳозирги кунда нуфузли ташкилотда хизмат қилаяпти.

Биринчи гулабху ногирони бўлса-да, жуда гайратли, ҳар қандай ймушни пишик-пухта бажаради. Кечаю кундуз Оллоҳга илтижо қиламан, илоё ўғилгинаминг тўйини, бахтини

Бахтли бўлинг! Бахтли бўлинг! Бахтли бўлинг!

кўрсам, неваралар суйсам дейман. Ботиржоннинг ёши 29 да. Тақдири ўзиникига ўхшаш, меҳрибон, очик кўнгли қиз овоз берса, келин қилиш ниятида-миз.

САЛИМА хола
Тошкент вилояти».

«Синглим Дилнозанинг кейинги тақдирига куйиниб, сизларга хат ёзаяпман. Балки у ҳам дугоналарига ўхшаш, шўхшаддод қиз бўлганида вақтида ўз тенгини топиб кетармиди... Онам ҳаммиша Дилноза бошқа қизларимга қараганда хушрўй, одобли ундан кўнглим тўқ, борган жойида тиниб-тинчиб кетади дерди. Лекин... Вақтида совчилар келганида унинг кўнглига қараб, хато қилган эканми. Яқинда бир танишим хотини қазо қилган акасига

оғиз солганди, жаҳлимни зўрга босиб, гулдай синглимга ўз тенги чиқиб қолар дедим. Шу кундан буён Дилнозанинг келажagini ўйлаб ҳаловатимни йўқотдим. Синглимининг ёши 30 да. Маълумоти ўрта-маҳсус. Ёшига мос, иши тайин, диёнатли инсон учраса, уни узатмоқчимиз.

ЗУЛАЙХО,
Жиззах вилояти».

«Синфдошим Наргизани яхши кўрардим. У ҳам менга беэйтибор эмасди. Мактабни тугатгач, иккимиз ҳам олий ўқув юртига ҳужжат топширдик. Менинг омадим чопмади. У талаба бўлди. Сўнг ҳарбий хизматга кетдим. Икки йил давомида узлуксиз хат ёзишиб турдик. Ушанда бу дунёда мендан бахтироқ йигит йўқ эди гўё.

лат йигитни топибди. Яқинларим кўнглимни кўтариб, «Сендай йигитга қайси қиз тегмайди, уйлан» дейишса-да, кўнглимга ҳеч нарса сизмасди. Йиллар ўтаверди. Яқинда онам оғир хасталикка учраб, ётиб қолганида кўзларига ёш олиб: «Кўзимнинг очлиқига уйланганингни кўрайин» деганидан сўнггина шунча йилларни беҳудага ўтказганимни англаб етдим. Ёшим 41 да. Маълумотим ўрта-маҳсус. Уйланмаганман. Зарарли одатлардан холи, иши тайин инсонман. Вафодор, меҳрибон қиз учраса уйланмоқчиман.

БАҲОДИР,
Самарқанд вилояти».

ТАХРИРИЯТДАН:

«Бахтли бўлинг» рўқнига хат йўллаётган ёки бево-сита мурожаат қилаётган фуқаролар паспорт нусхаси ва яшаш жойидан (маҳалла кўмитасидан) маълумотнома тақдим этишлари шарт. Шунингдек, ажрашганлар бўлса, суд қарорининг нусхасини топширишлари талаб этилади.

МУРОЖААТ УЧУН ТЕЛЕФОН: 234-25-46

ДУЧ КЕЛГАННИ ЕМОҚ...

✓ ТЕСТ

Овқатланиш маданияти ҳақида кўп гапирилади, ёзилади. Сабаби, сифатли ва фойдали таомларни танлаб, тартиб-меъёр билан истеъмол қилиш ва мижозга зарар овқатлардан тийилиш жисму жонимизни қатор дардлардан ҳимоя этиши лозим. Куйидаги саволларга тўғри жавоб танласангиз, овқатланиш маданиятига қай даражада риоя қилишингиз аён бўлади.

1. Сиз кўчада сомса, гумма, хот-дог, гамбургер ва шунга ўхшаш таомларни доимий равишда истеъмол қиласиз. Лекин бундай овқатланиш тартиби сизга зарарли эканлигини била туриб, бу одатдан ўзингизни тия olasизми?

а) Йўқ, хоҳлаган вақтимда кўнглим тусаган нарсани ейман.

б) Ҳа, тийила оламан.

в) Билмадим.

2. Меҳмондорчиликда илгари умуман билмаган таомни тотиб кўрасизми?

а) Ҳа, озгина.

б) Йўқ, менга ўзим билган таом ёқади.

в) Аслида дуч келган овқатни еявераман.

3. Ишга, ўқишга кеч қолаяпсиз. Дастурхонда эса эрталабки нонушта тайёр, нима қиласиз: овқатланасизми ёки ҳаммасини ташлаб, шошилиб чиқиб кетасизми?

а) Шошилиб чиқиб кетаман.

б) Бемалол ўтириб, овқатланаман.

в) Кийинаётим, улгурганимча улбул нарсадан татийман.

4. Овқатланаётганда газета-китоб ўқиш ёки телевизор кўриш одатингиз борми?

а) Йўқ, бундай пайтда фақатгина таомни ўйлайман.

б) Баъзан кўриб ўтириб овқатланавераман.

в) Ҳа, шундай одатим бор.

5. Сиз роса очсиз. Кўчада, кўринишидан сезилиб турибди, эскироқ сомса ёки гумма олиб ейсизми?

а) Бундай вақтда, очиги, танлаб ўтирмайман.

б) Ҳеч қачон!

в) Билмадим, шароитга қараб иштутаман.

6. Озиқ-овқат дўконда маҳсулот таркиби, сифати, ишлаб чиқарилган вақти ва сақланиш муддатига эътибор бер-

борасизми?

а) Албатта, рад этаман.

б) Борсам-да, кам овқат ейишга ҳаракат қиламан.

в) Бормайман.

7. Меҳмон келса, ўзингиз ёқтирган тансиқ таомларни дастурхонга қўясизми?

а) Ҳа, "Меҳмон отангдек улуг" деган ҳикматга амал қиламан.

б) Уйлаб кўраман.

в) Уйда борини дастурхонга қўяман.

Ҳар бир «А» жавоб учун 6, «Б» жавоб учун 4, «В» жавоб учун 2 баллдан ҳисоблаб чиқинг ва ўзингиз учун тегишли хулосани чиқаринг.

* 0—18 балл: сизда ҳазм қилиш аъзолари, жумладан, меъда жуда яхши «ишлар» экан. Дуч келган таомни еб кетаверишга одатланиб қолгансиз. Овқатланиш тартиби, фойдали, шифобахш маҳсулотлар, меъёр деган иборалар сиз учун беғона. Огоҳлантириб кўяйлик, ҳазм қилиш аъзолари бир марта хасталанса, даволаб тузалгандан сўнг ҳам бошқа ҳеч қачон аввалгидек фаолияти тикланмайди. Балки ҳозирда ноқ «дўпини бир четга қўйиб» уйлаб кўрарсиз.

* 19—33 балл: Тансиқ таомларни яхши кўрасиз, лекин овқатланиш меъёрини, ўзингизни эҳтиёт қилиш, меъда ва ичакларни «тозалаб» туриш кераклигини ҳам яхши биласиз. Аммо нима зарар эканлигини биласиз, унга амал қилмайсиз.

* 34—48 балл: Балли, сизга ҳавас қилса арзийди.

Энг керакли, энг фойдали сара мева-сабзавотлардан тайёрланган таомларни хотиржам ҳолатда истеъмол қилишни ёқтирасиз. Бу эса саломатлик демакдир!

Тамара ХУММАМАТОВА
тайёрлаган



расизми?

а) Ҳар доим ҳам эмас.

б) Албатта, нима еяётганимни билишим муҳим-ку!

в) Аҳамияти йўқ.

7. Сиз ҳозиргина овқатландингиз, қорингиз тўқ, бирдангина дўстарингиз меҳмондорчиликка таклиф қилиб қолса,

МЕРОСХЎР
НОМУНОСИБ БЎЛСА...

Катта бўлмаса-да, бутун умр тер тўкиб йиққан мол-давлатим, мўъжазгина ҳовли-жойим бор. Аммо яккаю ягона ўғлим сал ноқобил чикди. Мендан дунё ўтгач, топган-тутганимни бир-икки кунда кўкка совириши мумкин. Шу боис у ўзини нолойиқ тутса, мерос олишдан четлаштирилиши эҳтимолини назарда тутиб, тўнғич бирамни ҳам меросхўр деб тайинлаши мумкинми?

✓ САВОЛ-ЖАВОБ

Мавжуда ПИРМАТОВА,
Тошкент шаҳри.

Васиятнома бу — фуқаронинг ўзига тегишли мол-мулкни ёки бу мол-мулкка бўлган ҳуқуқни вафот этган тақдирда тасарруф этиш хусусидаги хоҳиш-иродасидир. Фуқаро барча мол-мулкни ёки унинг муайян қисмини қонун бўйича меросхўрлар доирасига кириш-кирмаслигидан қатъи назар бир ёки бир неча шахсга, юридик шахсларга, давлатга ёхуд фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органларига васият қилиши мумкин.

Нотариуслар муомалага лаёқатли фуқароларнинг қонун ҳужжатлари талабига мувофиқ тузилган ва уларнинг ўзлари нотариусга шахсан тақдим этган васиятларини тасдиқлайди. Васиятномаларни вакиллар орқали тасдиқлашга йўл қўйилмайди.

Мерос қолдирувчи васиятнома тузилганидан кейин истаган пайтда уни бекор қилиши ёки ўзгартириши мумкин, аммо бунинг сабабларини кўрсатишга мажбур эмас. Сиз мерос олиниши учун вориснинг намунали хулқ-атворини қонуний равишда шарт қилиб қўйишга ҳақлисиз. Шунингдек, меросхўр мерос олгунга қадар вафот этиши, меросни қабул қилмаслиги, ундан воз кечиш ёки нолойиқ топилиб четлаштирилиши эҳтимолини назарда тутган ҳолда бошқа меросхўрни ҳам тайинлаш ҳуқуқига эгасиз. Ҳар қандай шахс ворисдан кейинги ворис бўлиши мумкин.

Мавлуда АБДУЛЛАЕВА,
Юнусобод тумани 2-сонли давлат
нотариал идораси бошлиғи.



КЎПРИК — Ўзбек тилининг этимологик луғатида изоҳланишича, «кўприк» сўзининг туб илдизи қадимги тилимизда «шиш», «кўтарил» маъноларини билдирган. Эҳтимол, бунга оқар сувларнинг қирғоқларини бир-бири билан боғловчи кўприкларни шиширилган мешлардан тайёрланганглиги сабаб бўлгандир. Шундан хулоса қилиш мумкинки, «кўприк» сўзи билан «кўпир», «кўпик» сўзлари битта илдиздан пайдо бўлган.

Кўприк йўқ экан, дарёдан ўтай деб, полвон қайиқчини чақирибди.
Иброҳим Раҳим

КЎРК — «Хусн, чирой, гўзаллик» маъноларини аниқлаган «кўрк» сўзининг туб илдизи «қара» маъносидаги «кўр» феълдир. Яъни бу сўз «кўримли», «кўрса кўргудай» деган маъноларни билдириб «кўрк» шаклига келган. Ундан «кўркили», «кўркам» каби сўзлар ҳосил бўлган.

Эшқобил ШУКУР
тайёрлади.

Муассаслар: Ўзбекистон Хотин-қизлар қўмитаси, «Болалар ва oilaларни қўллаб-қувватлаш» ассоциацияси ва «Соғлом авлод учун» халқаро жамғармаси

Тахририятга келган қўлёзмалар муаллифларга қайтарилмайди. Реклама материаллари учун тахририят жавобгар эмас.

«Шарк» нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси босмахонасида чоп этилди. Тошкент, Буюк Турон кўчаси, 41-уй. Босишга топшириш вақти — 15:00. Босишга топширилди — 16:00.

E-mail: oilavajamiyat@sarkor.uz

Бош муҳаррир: Норқобил ЖАЛИЛОВ

Қабулхона: (тел/факс) 233-28-20

Мухбирлар: 233-04-50

Котибият: 237-21-82

«Oilavajamiyat» бўлими: 234-25-46

Web-site: oilavajamiyat.uz

МАНЗИЛИМИЗ:

Тошкент — 700000

Амир Темура кўчаси,

1-тор кўча, 2-уй

Мўлжал: Олой

бозори ёнида

ОБУНА ИНДЕКСИ — 176

Ўзбекистон Матбуот ва ахборот агентлигида 0169-рақам билан 11.01.07да рўйхатга олинган. Буюрма Г — 932. Формати А-3, ҳажми 2 табоқ. Адади — 8083.

Набатчи муҳаррир — Фаррух ЖАББОРОВ
Саҳифаловчи — Илҳом ЖУМАНОВ
Мусахҳиҳлар — Саидгани САЙДАЛИМОВ,
Мафтуна МИНГБОЕВА

ISSN 2010-7609

1 2 3 5

СПОРТ СПОРТ СПОРТ

АРМСТРОНГНИНГ
БЕШИНЧИ
ФАРЗАНДИ

Афсонавий велопоёғчи Лэнс Армстронгнинг бешинчи фарзанди туғилди. Қизалоқнинг исмини Оливия Мэри деб аташди.



Бу ҳақда спортчининг ўзи хабар берди.

Оливия унинг иккинчи хотини Анна Хансендан иккинчи фарзанди, биринчиси 2009 йилда туғилган Макс исмли ўғлидир.

Биринчи хотини Кристиндан эса учта фарзанди бор, дея хабар беради «Советский Спорт» газетаси.

МИТЕРОВ
САРАТОН КАСАЛИГА
ЙЎЛИҚДИ

«Черноморец» клубининг собиқ юлдузи, Молдова терма жамоаси ҳамда «Зимбру» клубининг 35 ёшли футболчиси Юрия Митеревга врачлар лейкоз ташхисини қўйишди.

У жуда озиб кетгани ва тезда чарчаб қолаётгани учун ўзини текширтган эди. Энди у даволаниш учун Исроилга бормоқчи. Бунинг учун эса 120 минг АҚШ доллари миқдорига маблағ талаб қилинади. Бу сумманинг бир қисмини Молдова футбол федерацияси, яна бир қисмини эса «Черноморец» клуби тўлайди. Футболчининг хотини эса махсус счёточилигани ва унга қим ҳоҳласа пул ўтказиши мумкинлигини маълум қилди.

РАЛЬФ ШУМАХЕР
13-ПОЗИЦИЯДА

Таниқли автопоёғчи навбатдаги мусобақада «Мерседес» компанияси томонидан ишлаб чиқарилган машина билан 13-рақам остида иштирок этади.



«Мен кўпинча ёмғирда қийналардим. Айланани босиб ўтишда ҳам қийинчиликларга дуч келардим. Энди эса ҳаммаси ўз жойида», дея хурсандчилигини яширмади 35 ёшли Шумахер.

Интернет манбалари асосида
Илҳом ЖУМАНОВ тайёрлади.